

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СУДИ
ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНинг
А Ж Р И И
1-1406-2301/125

2023 йил декабрь ойининг 11 куни Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси ўз биносида, очиқ суд мажлисида, видеоконференцалоқа режимида, раислик қилувчи вилоят судининг судьяси М.Эргашев, ҳайъат судьялари А.Акрамов ва Ф.Саматовдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси А.Абдиевнинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори А.Султонов, судланувчи Д.Юлдашева, Х.Юлдашева ва уларнинг ҳимоячиси-адвокат М.Ярашева, судланувчи Д.Ф ва унинг ҳимоячиси-адвокат Ш.Музаффаров, судланувчи М.Б ва унинг ҳимоячиси-адвокат О.Джураев, вояга етмаган судланувчи Ш.Ж ва унинг ҳимоячиси-адвокат С.Рашидов ҳамда қонуний вакили Н.Қосимовнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Жомбой туман судининг 2023 йил 13 октябрдаги ҳукмига асосан,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми “а” банди билан судланувчи

Ф.Д. 1989 йил 15 июлда Жомбой туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, жиноят ишлари бўйича Нуробод туман судининг 2019 йил 20 февраль кунги ажримига кўра, ЖКнинг 140-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддасига асосан томонлар ярашганлиги муносабати билан тугатилган, маълумоти ўрта, якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади, оилали, 3 нафар фарзанди бор, Жомбой тумани, ... маҳалласи, ... қишлоғида яшайди, иш бўйича “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми “а” банди билан судланувчи

Ю.Д. 1980 йил 17 апрелда Жомбой туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, судланмаган, маълумоти ўрта, якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади, оилали, 3 нафар фарзанди бор, Жомбой тумани, Нўш маҳалласи, Химичи қишлоғида яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “б” банди билан судланувчи

Б.М. 1993 йил 30 августда Жомбой туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, муқаддам судланмаган, маълумоти ўрта, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланади, оилали, 3 нафар фарзанди бор, Жомбой тумани, маҳалласи, ... қишлоғида яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “б” банди билан судланувчи

Ю.Х. 1985 йил 1 ноябрда Жомбой туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, муқаддам судланмаган, маълумоти олий, якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланади, оилали, 3 нафар фарзанди бор, Жомбой тумани, А.Қ МФЙ, Ш.Б кўчаси, 3-уй, 7-хонадонда яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “б” банди билан вояга етмаган судланувчи

Ж.Ш. 2005 йил 22 майда Жомбой туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, муқаддам судланмаган, маълумоти ўрта-маҳсус, ишламайди, уйланмаган, Жомбой тумани, ... маҳалласи, ... қишлоғида яшайди, иш бўйича “вояга етмаган шахсни кузатув остига топшириш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилганга

нисбатан чиқарилган ҳукм устидан судланувчи Ш.Ж ва унинг ҳимоячиси-адвокат С.Рашидов, судланувчи М.Б, Д.Ф, Х.Ю, Д.Ю томонидан келтирилган апелляция шикоятларига асосан жиноят ишини апелляция тартибда кўриб чиқиб, кўйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:



Судланувчи Д.Фга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми “а” банди билан 3 йил озодликни чеклаш жазоси, судланувчи Д.Юга ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми “а” банди билан 3 йил озодликни чеклаш жазоси, судланувчи М.Бга ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “б” банди билан ЖКнинг 62-моддаси тартибида 1 йил 11 ой 29 кун озодликни чеклаш жазоси, судланувчи Х.Юга ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “б” банди билан ЖКнинг 62-моддаси тартибида 1 йил 11 ой 29 кун озодликни чеклаш жазоси, судланувчи Х.Юга ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “б” банди билан ЖКнинг 62-моддаси тартибида 11 ой 29 кун озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Суднинг мазкур ҳукми билан Д.Шадиева ҳам судланган бўлиб, ишнинг унга оид қисмига шикоят ёки протест келтирилмаганлиги сабабли, муҳокама қилинмайди.

Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи Д.Ф ва Д.Юлар, якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келишиб, 2023 йил 29 март куни соат 08:30ларда жамоат жойи ҳисобланган Жомбой тумани “А.Қ” маҳалласида жойлашган “Шайман” деҳқон бозоридаги сабзавот павильони ёнида, гарчанд улар савдо қилувчи кўчма савдо растаси бозор маъмуриятига тегишли бўлса-да, кўчма савдо растаси ўзларига тегишли эканлигини тўғрисидаги арзимас сабабларни важ қилиб келтириб, бозорга келган фуқаролар ва сотувчиларнинг олдида жамоат тартибини қўпол тарзда бузиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, Д.Ю ва Д.Ф ўзаро жанжаллашиб, бир-бирларини ножўя сўзлар билан ҳақорат қилишиб, бир-бирларини уришиб, Д.Ю Д.Фга бўйин, ўнг билак соҳаларида шилинмалар ва ўнг билак соҳасида қонталашлар, Д.Ф эса Д.Юга чап қовоқ ва ўнг ёноқ соҳаларида шилинмалар кўринишидаги соғлиқларининг қисқа муддат бузилишига олиб келмаган “енгил шикаст” тан жароҳатлар етказишиб, безорилик қилишган.

Бундан ташқари, судланувчи Д.Ф ва Д.Ю такроран, 2023 йил 9 апрель куни соат 09:30ларда жамоат жойи ҳисобланган Жомбой тумани “А.Қ” маҳалласида жойлашган “Шайман” деҳқон бозоридаги сабзавот павильони ёнида, гарчанд кўчма савдо растаси бозор маъмуриятига тегишли бўлса-да, кўчма савдо растаси ўзларига тегишли эканлигини тўғрисидаги арзимас сабабларни важ қилиб келтириб, бозорга келган фуқаролар ва сотувчиларнинг олдида жамоат тартибини қўпол тарзда бузиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, бир-бирларини ножўя сўзлар билан ҳақорат қилишиб, бир-бирларини уришиб, судланувчи Д.Ф томонидан жанжалга вояга етмаган қизи С.Салимова, синглиси судланувчи М.Б, қариндоши судланувчи Д.Шадиева ва вояга етмаган судланувчи Ш.Ж ҳамда терговда шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган қисми алоҳида иш юритувга ажратилган шахс, судланувчи Д.Ю томонидан эса жанжалга синглиси судланувчи Х.Ю аралашиб, бир гуруҳ бўлишиб, судланувчи Д.Ф, вояга етмаган С.Салимова, М.Б, Д.Шадиева ва вояга етмаган судланувчи Ш.Жлар Д.Юга бошнинг чап чакка-тепа, ўнг юз соҳалари юмшоқ тўқималари лати, чап қўл билак ва қафт усти соҳаларида шилинмалар, бош мия чайқалиши кўринишидаги соғлиғининг олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кам бўлган муддатга бузилишига олиб келган “енгил шикаст” тан жароҳатлари, судланувчи Д.Ю ва Х.Юлар эса судланувчи Д.Фга қорин олд соҳасида қонталаш кўринишидаги соғлиғининг қисқа муддат бузилишига олиб келмаган “енгил шикаст” тан жароҳатлар етказишиб, безорилик қилишган.

Судланувчи Ш.Ж ва унинг ҳимоячиси-адвокат С.Рашидов шикоятда, Ш.Ж жанжал вақтида ҳеч кимни урмагани, жанжалга умуман аралашмагани, Д.Ю унга нисбатан туҳмат қилаётгани ҳақида важлар келтириб, Ш.Жга нисбатан оқлов ҳукми чиқариш сўралган.

Судланувчи М.Б шикоятда, айбига иқрор ва пушаймонлиги, оиласида ягона боқувчи эканлиги, 3 нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, муқаддам судланмаганлигини инобатга олиб, ЖКнинг 70 ёки 71-моддаси тартибида жазодан озод қилишни сўраган.

Судланувчи Д.Ф шикоятда, биринчи инстанция суди томонидан иш бир томонлама кўриб чиқилгани, ишнинг ҳақиқий ҳолатлари аниқланмагани, Д.Ю билан ўзаро олдиндан бўлган келишмовчилиги натижасида жанжал келиб чиққани, жамоат тартибини бузиш мақсади бўлмаганлиги ҳақида важлар келтириб, ҳаракатида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли, ЖКнинг 83-моддаси 2-қисмига асосан оқлов ҳукми чиқаришни сўраган.

Судланувчи Х.Ю шикоятда, асосиз судланганлиги ҳақида важлар келтириб, суд ҳукмини бекор қилиб, жазодан озод қилишни сўраган.

Судланувчи Д.Ю шикоятда, тергов органи ва биринчи инстанция суди томонидан иш бир томонлама олиб борилгани, асосиз судланганлиги, унга тан жароҳати етказган бошқа шахсларнинг ҳаракатларига баҳо берилмагани ҳақида важлар келтириб, оқлов ҳукми чиқариш сўралган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят судининг судьяси М.Эргашевнинг маърузасини, прокурор А.Султоновнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятларини қаноатлантирмасдан қолдириш, судланувчи Д.Ю, Х.Ю ва уларнинг ҳимоячиси-адвокат М.Ярашевани шикоятларини қаноатлантириш ҳамда судланувчи Ш.Ж ва унинг ҳимоячиси-адвокат С.Рашидов, судланувчи М.Б, Д.Фларни шикоятларини рад қилиш, судланувчи Ш.Ж ва унинг ҳимоячиси-адвокат С.Рашидов, судланувчи М.Б ва унинг ҳимоячиси-адвокат О.Джуроев, Д.Ф ва унинг ҳимоячиси-адвокат Ш.Музаффаровни шикоятларини қаноатлантириш ҳамда судланувчи Д.Ю ва Х.Юларни шикоятларини қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятларда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан



бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, суд ҳукмининг Д.Ф, Д.Ю, Х.Ю, Ш.Ж ва М.Бларга оид қисмини ўзгаришсиз, келтирилган шикоятларни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Судланувчи Ш.Ж, М.Б, Д.Ф, Х.Ю, Д.Юларнинг суднинг ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби, ўзларининг дастлабки тергов ва биринчи инстанция судидаги кўрсатувларидан ташқари, биринчи инстанция судида сўроқ қилинган гувоҳ С.Фурунзиев, вояга етмаган гувоҳ С.Салимова, М.Қаршиева, Г.Холмурзаева, Б.Раҳманов, вояга етмаган гувоҳ Л.Темировнинг кўрсатувлари, аризалар, экспертиза хулосалари, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, видеотасвирни кўздан кечириш баённомалари ва уларга илова қилинган фотосуратлар, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида мавжуд бошқа объектив далиллар билан тўлиқ ўз исботини топган.

Судлов ҳайъати, юқорида қайд этилган далилларга Ўзбекистон Республикаси ЖПК 95-моддасига мувофиқ ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳо бериб, улар ЖПКнинг 11-моддасида мустақамланган қонунийлик принципига мувофиқ, жиноят-процессуал қонунида белгиланган тартибга қатъий риоя этилган ҳолда олинган бўлиб, уларни ишончга сазовор объектив далиллар деб топиб, судланувчи Ш.Ж, М.Б, Д.Ф, Х.Ю, Д.Юларни айбини исботловчи мақбул далиллар деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Қарорининг 2-бандида, далил тегишли субъект томонидан, яъни далилни олиш билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатни ўтказишга ваколатли мансабдор шахс томонидан олинган бўлиши;

-фактга оид маълумотлар фақат ЖПК 81-моддасининг иккинчи қисмида қайд этилган манбалардан олинган бўлиши;

-далил уни олиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатни ўтказишга оид қоидалар ва тартибга риоя этилган ҳолда олинган бўлиши;

-далилни олишда тергов ва суд ҳаракати жараёни ва натижаларининг қайд этилишига доир қонуннинг барча талабларига амал қилинган бўлиши шартлиги” хусусида тушунтириш берилган.

Биринчи инстанция суди, жиноят ишини кўришда юқоридаги қоидаларга амал қилган ҳолда, тўпланган далилларга ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳо бериб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талабига асосан иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириб, қонуний ва асосли тўхтамга келганлиги сабабли, судланувчи Д.Ф ва Д.Юларни шикоятдаги биринчи инстанция суди томонидан иш бир томонлама олиб борилганлиги ҳақидаги вазлари асоссиздир.

Бундан ташқари, судланувчи Ш.Жнинг шикоятдаги жанжал вақтида ҳеч кимни урмагани, жанжалга умуман аралашмагани, Д.Ю унга нисбатан тухмат қилаётганлиги ҳақидаги, шунингдек судланувчи М.Бнинг музокара сўзидаги асоссиз судлангани, ҳеч кимни уриб тан жароҳати етказмагани ҳақидаги вазлари билан судлов ҳайъати келишмади.

Уларнинг ушбу вазлари, биринчи инстанция судида сўроқ қилинган судланувчи Д.Юнинг, 2023 йил 9 апрель куни Д.Ф савдо растасида турган нарсаларини пастга ташлаб, ўзининг нарсаларини жойлаштираётганлигини кўриб, ундан нима сабабдан бундай қилганини, Олмос ака билан келишгани, яъни шу ерда савдо қилишини айтганлигини маълум қилганида, Д.Ф сочини икки қўли билан ушлаб тортиб ураётганида, синглиси М.Б жанжалга аралашиб, қўллари ва оёқлари билан бошига урганини, ўзини синглиси Х.Ю келиб уларни ажратишга уринаётганида, Д.Фнинг қизи ҳам жанжалга қўшилиб, уни ва синглиси Х.Юнинг дуч келган жойларига уриб тепганини, шунда Дурдона ҳам жанжалга аралашиб, у ерда ётган вақтида дуч келган жойига уриб тепганини, С.Фрунзиев ва нотаниш икки нафар эркаклар ҳам жанжалга қўшилиб, уни ура бошлагани, шу вақти бош қисмига номаълум томондан келиб теккан зарба сабабли, кўзининг олди қоронғулашиб, ўзини билмасдан қолгани ҳақидаги;

судланувчи Х.Юнинг, Д.Фнинг вояга етмаган қизи Сарвара опаси Д.Юни ҳақорат қилиб, уриб, пичоқ билан жароҳат етказиш билан дўқ-пўпса қилиб, опаси Д.Юни ураётган вақтида, Д.Ф ҳам опасини ҳақорат қилиб, уриб, жанжалга қўшилгани, шу вақтда яна бир мой сотувчи Д.Шадиева, яна бир шу ерда савдо қилувчи Ш.Ж, нотаниш эркак ҳамда Д.Фнинг синглиси М.Б жанжалга аралашиб, опаси Д.Юнинг дуч келган жойига уриб, сочларидан тортиб, пастга босиб, елкаларидан ураётган вақтида, Ш.Ж ва унинг ёнидаги нотаниш эркак тиззаси билан ураётганлигини кўриб, уларни ажратишга урингани ҳақидаги;

гувоҳ Г.Холмирзаеванинг, бозорнинг сабзавот павильонининг олдида шу куни танишган Д.Юни нотаниш 4 нафар аёллар ва 2 нафар йигитлар ураётганлиги, ушбу ҳолатни 11-12 ёшлардаги бола йиғлаб, уларни ажратишга уриниб, видеотасвирга олаётганлигини кўрганлиги ҳақидаги;

гувоҳ Б.Раҳмановнинг, Д.Ю ва Д.Флар 2023 йил 9 апрель куни соат 09.00ларда бозор куни савдо растасига талашиб, жанжал қилаётганлигини кўриб, улар томонга борганида, Д.Ю ва Д.Флар қўллари билан бир-бирларининг сочларидан ушлаб юлаётганлигини, шу ерда ёғ сотувчи Д.Шадиева Д.Фнинг синглиси М.Б, Д.Фнинг вояга етмаган қизи ва яна икки нафар бозорда савдо қилувчи йигитлар ҳам ушбу жанжалга аралашиб, бир-бирларини уришаётганлигини кўриб, уларни ажратганлиги ҳақидаги;

вояга етмаган гувоҳ Л.Темировнинг, Д.Фнинг вояга етмаган қизи Сарвара онаси Д.Юни ҳақорат қилиб, уриб, пичоқ билан жароҳат етказиш билан дўқ-пўписа қилиб, онаси Д.Юни ураётган вақтида,



Д.Шадиева, Ш.Ж, нотаниш эркак ҳамда М.Блар ҳам жанжалга аралашиб, онаси Д.Юнинг дуч келган жойига уриб, сочларидан тортиб, пастга босиб, елкаларидан урганини, Ш.Ж ва унинг ёнидаги нотаниш эркак тиззаси билан онасини урганлиги ҳақидаги;

дастлабки терговда сўроқ қилинган гувоҳ Н.Каримованинг, Д.Ф, Д.Шодиева, М.Б, Ш, С.Салимова ва яна бир исми номаълум бўлган шахслар Д.Юни ўртага олиб, сочларидан ушлаб, пастга босиб ураётганлигини кўрганлиги, шу вақти Д.Юни синглиси Х.Ю чақалоғини коляскада олиб келиб, уларни ажратишга уриниб, ёрдам беришни сўраб бақирганлиги;

дастлабки терговда сўроқ қилинган гувоҳ З.Мўтарованинг, 2023 йил 9 апрель куни соат 09:00ларда савдо бозорининг сабзавотлар растаси ёнидан ўтаётган вақтида, Д.Юни Д.Ф, Д.Шодиева, М.Б, Ш, С.Салимова ва яна бир исми номаълум бўлган шахслар ўртага олиб, сочларидан ушлаб пастга босиб эгилган ҳолатида уни дуч келган тана аъзоларига ураётганлигини кўрганлиги ҳақидаги кўрсатувлари билан тўлиқ рад қилинади.

Шу билан бирга, судланувчи Д.Ю ва Х.Юнинг шикоятларидаги асоссиз судлангани ҳақидаги вазлари билан ҳам келишиб бўлмайди.

Ушбу вазлари, биринчи инстанция судида сўроқ қилинган судланувчи Д.Фнинг, 2023 йил 29 март куни Д.Ю билан ўзаро тортишаётганида, Д.Ю ёқасидан ушлаб, уни урмоқчи бўлиб тармашгани, ундан ўзини ҳимоя қилиш учун қўлларидан ушлаб уни орқа томонга итариб юборгани, бироқ Д.Ю унга тармашишдан тўхтамасдан, уни ҳарорат қилиб, танасининг дуч келган жойига ургани, профилактика инспектори Фаёз келиб, уларни ажратгани, 2023 йил 9 апрель куни бозорда савдо қилаётган вақтида, соат 10.30ларда Д.Ю синглиси Х.Ю ва вояга етмаган ўғлининг қўлига видеотасвирга олиш учун телефон аппаратини бериб, ҳолатни тасвирга олдириб, Д.Ю ва синглиси Х.Ю иккаласи унга тармашиб, дуч келган жойига уриб, сочларини юлиб, қорнига тепганлиги ҳақидаги;

судланувчи Д.Шадиеванинг, 2023 йил 9 апрель куни Д.Ф савдо растасига нарса буюмларини жойлаштириб савдо қилаётганида, соат 10.00ларда Д.Ю синглиси Х.Ю билан вояга етмаган ўғлининг қўлига видеотасвирга олиш учун телефонни бериб келиб, Д.Фнинг савдо растасига жойлаштирилган нарса буюмларини улоқтириб, Д.Фга тармашиб, ножўя сўзлар билан ҳақорат қилиб, жанжаллашиб кетганлиги, Х.Ю Д.Фга пичоқ уришини айтиб бақираётганлиги сабабли, хавотир олиб, уларнинг олдига боргани, Д.Ю ва синглиси Х.Юлар Д.Фни ерга йиқитиб, сочларидан юлиб, уришаётганлигини кўриб, уларни бозорга келган нотаниш фуқаролар билан ажратгани ҳақидаги;

судланувчи М.Бнинг, 2023 йил 29 март куни опаси Д.Фни олдида Д.Ю келиб, савдо растаси унга тегишли эканлиги, укаси Умидга фойдаланиб туриш учун вақтинчалик берганлиги, бу жойда ўзи савдо қилиши ва жойни бўшатишни айтиб, иккаласи бир-бирлари билан тортишиб, бир-бирларини қўллари билан уриб, тан жароҳати етказгани, шунингдек 2023 йил 9 апрель куни соат 10:00ларда бозор куни ўчма савдо растасида опаси Д.Фнинг олдида савдо қилаётганида, Д.Ю синглиси Х.Ю ва вояга етмаган ўғлининг қўлига телефонни бериб, видеотасвирга олишини айтиб, олдида келиб, ушбу жой унга тегишли эканлигини айтиб, опаси Д.Ф билан жанжаллашиб кетганлиги ҳақидаги;

вояга етмаган судланувчи Ш.Жнинг, Д.Ф савдо қилаётган савдо растасида, чорва молларининг ички ёғларини сотиш билан шуғулланувчи Д.Ю ва унинг синглиси Х.Ю билан бир-бирларини ҳақорат қилиб, савдо растасига талашаётганлигини кўрганлиги, Х.Ю Д.Фга ушбу жойни ким олмоқчи бўлса пичоқни қорнига тиқишини айтиб бақирганлигини эшитиб, хавотир олиб, улар томонга бораётганида, Д.Ф ва Д.Юлар ўртасида уруш жанжал бошланиб кетганлиги ҳақидаги;

вояга етмаган гувоҳ С.Салимованинг, Д.Ю ва унинг синглиси Х.Ю онаси Д.Фни яна ҳақорат қилишда давом этиб, онасига тармашиб, сочларини юлиб, ура бошлаганлиги, уларни ажратишга уриниб, Х.Юни қўлидан тортаётганида, холаси М.Б ва Д.Шадиевалар келиб, уларни ажратишга уринишганлиги, лекин уларни ажрата олмаганлиги, кейин Ш.Ж ва нотаниш йигит келиб, уларни ажратишга уринаётганларида, паттачи Бобир ака келиб, уларни ажратиб, жанжални тинчлантиришга уринганлиги, кейин отаси С.Фрунзеев, холаси Мохира ва ИИБ ходимлари билан келганлиги ҳақидаги;

гувоҳ М.Қаршиеванинг, 2023 йил 9 апрель куни соат 10.00ларда Д.Ф ва синглиси М.Б Д.Ю билан савдо растасига талашиб жанжаллашаётганлигини эшитиб, у ерга борганида, Д.Ю синглиси Х.Ю билан келини Д.Фни ерга йиқитиб, сочларидан юлиб, уришаётганлигини кўриб, уларни ажратишга урингани, бироқ улар ажралмасдан, жанжални давом эттиришгани, шу ердаги сотувчилар ва фуқаролар, бозор назоратчиси Бобирлар билан уларни ажратиб тинчлантиргани ҳақидаги;

гувоҳ Б.Раҳмановнинг, Д.Ю ва Д.Флар 2023 йил 9 апрель куни соат 09.00ларда бозор куни савдо растасига талашиб, жанжал қилаётганлигини кўриб, улар томонга борганида, Д.Ю ва Д.Флар қўллари билан бир-бирларининг сочларидан ушлаб юлаётганлигини, шу ерда ёғ сотувчи Д.Шадиева Д.Фнинг синглиси М.Б, Д.Фнинг вояга етмаган қизи ва яна икки нафар бозорда савдо қилувчи йигитлар ҳам ушбу жанжалга аралашиб, бир-бирларини уришаётганлигини кўриб, уларни ажратганлиги ҳақидаги кўрсатувлари билан тўлиқ рад қилинади.

Шунингдек, судланувчи Д.Фнинг шикоятларидаги Д.Ю билан ўзаро олдиндан бўлган ишмовчилиги натижасида жанжал келиб чиққани, жамоат тартибини бузиш мақсади бўлмагани ҳақида вазлари ҳам асоссиздир.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 14 июндаги “Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 9-сонли Қарорининг 1-бандида 2-хатбошида, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик деганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, одоб ва ахлоқ нормалари, урф-одат, анъаналар билан белгиланган жамоат тартибини (одамлараро муносабатлар, юриш-туриш қоидалари, шаклланган ижтимоий турмуш тарзини) қўпол тарзда бузиш тушунилиши;

-ушбу бандни 3-хатбошида, айбдор ўзининг ҳаракатлари билан жамоат тартибини бузаётганлигини англаши лозимлиги, бунда мазкур хатти-ҳаракатлар билан жамоат тартибини бузиш ўртасида сабабий боғланиш бўлиши шартлиги, сабабий боғланиш аниқланмаган ҳолда қилмиш шахсга ёки мулкка қарши қаратилган жиноят деб баҳоланиши;

-13-бандида, судлар айбдор қасдининг моҳияти ва у нимага қаратилганлигидан, содир этилган ҳаракатнинг мотиви, мақсади ва муайян ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда безориликни бошқа жиноятлардан фарқлай олишлари кераклиги, жумладан, оилада, уйда(хонадонда) қариндош-уруғ, таниш-билишларга нисбатан содир этилган ҳақоратлаш, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш каби ҳаракатлар, агар улар шахсий келишмовчилик натижасида келиб чиққан бўлса ёхуд жабрланувчининг ножоиз хатти-ҳаракатлари оқибатида содир этилган бўлса, шахсга қарши жиноят деб баҳоланиши ва жиноят кодекси махсус қисмининг тегишли моддалари билан квалификация қилиниши лозимлиги, башарти, шахс ўз хатти-ҳаракатлари билан айни вақтда жамоат тартибини бузаётганлигини ва жамиятга нисбатан очикдан-очик ҳурматсизлик қилаётганлигини ҳам яққол англаган бўлса, қилмиш безорилик сифатида квалификация қилинади ва шахсга қарши жиноятларни назарда тутувчи моддалар билан қўшимча квалификация қилиниши лозимлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Иш ҳолатларига кўра, судланувчи Д.Ф ва Д.Юлар, якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келишиб, 2023 йил 29 март куни соат 08:30ларда жамоат жойи ҳисобланган Жомбой тумани “А.Қ” маҳалласида жойлашган “Шайман” деҳқон бозоридаги сабзавот павильони ёнида, гарчанд улар савдо қилувчи кўчма савдо растаси бозор маъмуриятига тегишли бўлса-да, кўчма савдо растаси ўзларига тегишли эканлигини тўғрисидаги арзимас сабабларни важ қилиб келтириб, бозорга келган фуқаролар ва сотувчиларнинг олдида жамоат тартибини қўпол тарзда бузиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, Д.Ю ва Д.Ф ўзаро жанжаллашиб, бир-бирларини ножўя сўзлар билан ҳақорат қилишиб, бир-бирларини уришиб, Д.Ю Д.Фга бўйин, ўнг билак соҳаларида шилинмалар ва ўнг билак соҳасида қонталашлар, Д.Ф эса Д.Юга чап қовоқ ва ўнг ёноқ соҳаларида шилинмалар кўринишидаги соғлиқларининг қисқа муддат бузилишига олиб келмаган “енгил шикаст” тан жароҳатлар етказишиб, безорилик қилишган.

Бундан ташқари, судланувчи Д.Ф ва Д.Ю такроран, 2023 йил 9 апрель куни соат 09:30ларда жамоат жойи ҳисобланган Жомбой тумани “А.Қ” маҳалласида жойлашган “Шайман” деҳқон бозоридаги сабзавот павильони ёнида, гарчанд кўчма савдо растаси бозор маъмуриятига тегишли бўлса-да, кўчма савдо растаси ўзларига тегишли эканлигини тўғрисидаги арзимас сабабларни важ қилиб келтириб, бозорга келган фуқаролар ва сотувчиларнинг олдида жамоат тартибини қўпол тарзда бузиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, бир-бирларини ножўя сўзлар билан ҳақорат қилишиб, бир-бирларини уришиб, судланувчи Д.Ф томонидан жанжалга вояга етмаган қизи С.Салимова, синглиси судланувчи М.Б, қариндоши судланувчи Д.Шадиева ва вояга етмаган судланувчи Ш.Ж ҳамда терговда шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган қисми алоҳида иш юритувга ажратилган шахс, судланувчи Д.Ю томонидан эса жанжалга синглиси судланувчи Х.Ю аралашиб, бир гуруҳ бўлишиб, судланувчи Д.Ф, вояга етмаган С.Салимова, М.Б, Д.Шадиева ва вояга етмаган судланувчи Ш.Жлар Д.Юга бошнинг чап чакка-тепа, ўнг юз соҳалари юмшоқ тўқималари лати, чап қўл билак ва кафт усти соҳаларида шилинмалар, бош мия чайқалиши кўринишидаги соғлиғининг олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кам бўлган муддатга бузилишига олиб келган “енгил шикаст” тан жароҳатлари, судланувчи Д.Ю ва Х.Юлар эса судланувчи Д.Фга қорин олд соҳасида қонталаш кўринишидаги соғлиғининг қисқа муддат бузилишига олиб келмаган “енгил шикаст” тан жароҳатлар етказишиб, безорилик қилишган.

Юқоридаги ҳолатлардан кўриниб турибдики, Д.Ф ва Д.Ю бир-бирини олдиндан таниб, олдиндан бўлган ўзаро келишмовчилиги натижасида жанжаллашиб қолишган бўлса-да, бироқ жамиятда юриш туриш қоидаларини қасддан менсимасдан жамоат жойи ҳисобланган бозорда кўпчилик одамларни кўз ўнгида бақир-чақир қилиб, бир-бирларини уриб дўппослашиб, уларни жанжалига М.Б, Ш.Ж ва Х.Юлар ҳам қўшилиб, уларни барчаси бозордаги кўпчилик одамларни олдида ўз хатти-ҳаракатлари билан жамоат тартибини бузаётганлигини ва жамиятга нисбатан очикдан-очик ҳурматсизлик қилаётганлигини англаб, безорилик қилган.

Шу маънода, тергов органи ва биринчи инстанция суди томонидан судланувчи Д.Ф, Д.Юнинг жиноий ҳаракати ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми “а” банди ҳамда судланувчи М.Б, Х.Ю, Ш.Жларнинг жиноий ҳаракати 277-моддаси 2-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Судлов ҳайъати, судланувчи Д.Юнинг шикоятдаги унга тан жароҳати етказган бошқа шахсларнинг ҳаракатларига баҳо берилмагани ҳақидаги важлар ҳам асоссиздир.

Чунки, тергов органининг 2023 йил 14 июнь кунги жиноят ишини бир қисмини тугатиш ҳақидаги қарори билан С.Фрунзиевнинг ҳаракатларида ЖКнинг 277-моддаси ва бошқа моддаларида кўрсатилган жиноят аломатлари аниқланмаганлиги сабабли, ишни унга оид қисми ҳаракатдан тугатилган,



шунингдек жиноят ишининг бир қисмини алоҳида иш юритувига ажратиш ҳақидаги қарори билан Д.Ф, вояга етмаган С.Салимова, М.Б, Д.Шодиева, Ш.Ж ва терговда шахсини аниқлашни имкони бўлмаган номаълум эркак кишилар бир гуруҳ бўлиб, жамоат тартибини менсимасдан ва жамиятга очиқдан-очиқ ҳурматсизлик қилган ҳолда жамиятда юриш-туриш қоидаларини бузиб, Д.Ю ва Х.Юни уриб дўппослаб тан жароҳати етказгани, яъни номаълум шахс ҳам уларга қўшилиб, ушбу жиноий ҳаракатларни содир қилганлиги инobatга олиниб, жиноят ишининг ушбу номаълум шахсга оид қисми ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “б” банди билан алоҳида иш юритувига ажратилган.

Шу билан бирга, судлов ҳайъати судланувчи М.Бнинг шикоятдаги ЖКнинг 70 ёки 71-моддаси тартибида жазодан озод қилиш ҳақидаги вазлари билан ҳам келишмади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 2-бандида, Жиноят кодексининг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлик принципи ҳар доим ҳам жазо қўлланилиши шартлигини англамаслиги, шу туфайли судлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, етказилган зиённи қоплаган шахсларни ЖКнинг 65, 66, 70, 71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлари лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасида, жиноят содир этган шахс агар иш судда кўрилатган вақтгача шароит ўзгарди ёки шахс намунали хулқи, меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабати билан ўзини кўрсатиб, ижтимоий хавфлигини йўқотди деб эътироф этилса, суд уни жазодан озод қилиши мумкинлиги қайд этилган.

Амалдаги қонунчиликка кўра, шароит ўзгариши айбдор шахсни иродасига боғлиқ бўлмаган объектив омил сифатида жиноят содир этилган шароитнинг ўзгаришидан иборат бўлиб, булар бутун давлат миқёсидаги, алоҳида минтақа, айрим корхона, ташкилот ва муассасалар миқёсидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-хўжалик ва ҳ.к. шароитлар бўлиши мумкин.

Ижтимоий хавфлиликнинг йўқолиши деганда эса, ишнинг судда кўрилиши пайтига келиб жиноятни содир этиш ва ижтимоий хавfli бўлган оқибатларнинг юзага келишида таркибий қисм бўлган, шунингдек, ижтимоий хавfli қилмиш содир этганлиги учун жиноий таъқиб этиш учун шартлар бўлиб хизмат қилган ҳолатлар, сабабларнинг бартараф этилиши тушунилади.

Шу билан бирга, ЖКнинг 71-моддасида, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса, суд томонидан жазодан озод қилиниши мумкинлиги назарда тутилган.

Қонун ҳужжатлари мазмунига кўра, юқоридаги асослардан ақалли биттасини бўлмаслиги мазкур жазодан озод қилиш институтини қўллашга тўсқинлик қилади.

Иш ҳолатларидан кўринишича, судланувчи М.Б томонидан содир этилган жиноят унча оғир бўлмаган жиноят ҳисобланиб, гарчанд муқаддам судланмаган бўлса-да, бироқ айбига иқрорлик ва қилмишига чин кўнгилдан пушаймонлик билдирмаган, жабрланувчи билан ярашмаган, шунингдек ҳеч қандай мажбуриятларсиз, тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ўзи содир этган жинояти тўғрисида оғзаки ёки ёзма шаклда мурожаат қилмаган ҳамда иш судда кўрилатган вақтда ҳеч қандай шароит ўзгармаган ҳамда намунали хулқ-атвор ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганлигини тасдиқловчи ҳолатлар аниқланмаган.

Аксинча, судланувчи М.Б Д.Ф ва бошқалар билан бир гуруҳ бўлиб, жамоат жойи ҳисобланган Жомбой тумани “А.Қ” маҳалласида жойлашган “Шайман” деҳқон бозорида кўпчилик одамларни олдида жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, судланувчи Д.Юни қасддан уриб-дўппослаб, баданига енгил шикаст етиб, безорилик қилган.

Шунга кўра, биринчи инстанция суди судланувчи М.Б, шунингдек Д.Ф, Д.Ю, Х.Ю ва Ш.Жга нисбатан жазо тури ва меъерини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандидаги, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги тушунтиришлари, ЖКнинг 7-моддасидаги жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги ҳақидаги инсонпарварлик принципига риоя қилган ҳолда, уларни шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омилларни, муқаддам судланишмагани, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлиги, Х.Ю, Д.Ю, М.Б, Д.Фни аёл киши эканлиги, Ш.Жни вояга етмаганлиги, оилавий шароитини инobatга олиш билан бирга, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, уларни хулқини яхшилатиб, жазодан ажратмасдан туриб ҳам ахлоқан тузатиш мумкин деган қатъий фикрга келиб, содир қилган



жинояти учун қонун санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини тайинлаб, қонуний тўхтамга келган.

Юқоридагиларга асосан, судлов ҳайъати апелляция шикоятларидаги важлар суднинг ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилишга асос бўла олмаслиги сабабли, суд ҳукмининг Д.Ф, Д.Ю, Х.Ю, Ш.Ж, М.Бларга оид қисмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятларини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 497²⁶ ва 497³¹-моддаларини қўллаб, апелляция инстанцияси суди

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Жомбой туман судининг 2023 йил 13 октябрдаги ҳукмининг **Ф Д, Ю Д, Б М, Ю Х** ва **Ж Ш** ларга оид қисми ўзгаришсиз, апелляция шикоятлари қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи

(имзо)

М.Эргашев

Ҳайъат судьялари

(имзо)

А.Акрамов

Аслига тўғри

(имзо)

Ф.Саматов

